

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
МАКТАБГАЧА МУАССАСАЛАР ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-
МЕТОДИКА МАРКАЗИ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ**

ТОШКЕНТ – 2011 ЙИЛ

Мазкур методик тавсия мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари учун амалий ёрдам сифатида тавсия этилмоқда.

Методик тавсияда мактабгача таълим муассасаларда таълим- тарбия жараёнини режалаштириш бўйича бир ҳафталик фаолиятнинг намунавий баёни ёритилган.

Методик тавсиядан тарбиячилар ижодий ёндошган ҳолда фойдаланишлари мумкин.

Тузувчилар: 1.М.Файзуллаева- ММХҚТМОРЎММ методисти
2. М. Рустамова- ММХҚТМОРЎММ бўлим бошлиғи
3. З. Рахимова- ММХҚТМОРЎММ бўлим бошлиғи

Такризчилар: 1.М. Ш. Русулева- ММХҚТМОРЎММ доценти
2.Х.У. Ризаева-Юнусобод туманидаги 460-МТМ мудираси
3. С.Мажидова-Учтепа туманидаги 19-МТМ методисти

Муҳаррир: Н. М. Соатова
Муассис: Ж. Кўчаров

Ўз.РХТВнинг ММХҚТМОРЎММ Марказидаги ИМКнинг йил
-сонли навбатдан ташқари йиғилишида нашрга тавсия этилган.

Кундалик режанинг тузилиши

Сана	1.	Эрталабки соат	1. Сухбат (мавзу); 2. Ўйинлар (мавзу); 3. Мустақил фаолият; 4. Меҳнат; 5. Болалар билан якка тартибда ишлаш.
	2.	Машғулотлар	1. Машғулот йўналиши, мавзу ва мақсади. 2. Зарурий жиҳоз ва кўргазмали қуроллар. 3. Машғулотнинг бориши (таркибий қисмлари)
	3.	Сайр	1. Кузатиш. 2. Ҳаракатли ўйин. 3. Ихтиёрий ўйинлар. 4. Меҳнат. 5. Тинч ўйин. (Сайр қисмларининг кетма- кетлиги олинган мавзуга қараб ўзгариши мумкин)
	4.	Куннинг 2-ярми	1. Якка тартибда ишлаш. 2. Ифодали ўқиш ва сухбат. 3. Ўйинлар (таълимий, стол устида, воқеабанд, ихтиёрий, сахналаштирилган). 4. Кўнгилочар соатлар (ҳар ойда 1-2 марта).
	5	Кечки сайр	1. Ихтиёрийкузатиш 2. Ихтиёрий ўйинлар. 3. Ота-оналар билан ишлаш.

Эрталабки бадантарбия машқлари
(1-15февралгача)

Тарбиячининг ишорасига биноан болалар колоннага биттадан бўлиб сафланадилар ва бошловчининг кетидан хона бўйлаб юрадилар. Оёқ учида юриш, қўллар белда, югуриш. Юриш ва югуриш машқлари навбатлаштириб турилади. Югуриш 40—50 сониядан кам давом этмаслиги керак.

Тарбиячининг ишорасига биноан уч гуруҳга сафланиш.

Тўп билан бажариладиган умумривожлантирувчи машқлар.

1. Д. х.: асосий тик туриш, тўп ўнг қўлда, пастда. 1 - қўлларни ён томонга узатиш; 2- юқори кўтариб, тўпни қўлдан қўлга олиш; 3- қўлларни ён томонга тушириш; 4- дастлабки ҳолатга қайтиш (6—7 марта).

2. Д. х.: оёқлар елка кенглигида очилган, тўп ўнг қўлда. 1-2 - қўлни ўнг томонга узатиш, гавдани ўнгга буриб, тўпга қараш; 3-4-дастлабки ҳолатга қайтиш, тўпни чап қўлга олиш. Шунинг ўзини чапга бурилиб бажариш (6 марта).

3. Д. х.: оёқни оёқ юзи кенглигида очиб параллел қўйиш, тўп ўнг қўлда. 1- тиззадан букилган чап оёқни кўтариб тўпни оёқ остидан чап қўлга олиш. Шунинг ўзини ўнг оёқда бажариш (6 марта).

4. Д. х.: асосий тик туриш, тўпни иккала қўл билан ушлаш. 1-тўпни тушириб юбориш; 2- чўққайиб, уни тутиб олиш; 3- ростланиш; 4- дастлабки ҳолатга қайтиш (5 марта).

5. Д. х.: тиззаларда туриш, тўп ўнг қўлда. 1-2- тўпни ўзидан ўнг қўлга думалатиш; 3-4- ўзига думалатиш. Шунинг ўзини (6 марта, секин суратда).

6. Д. х.: ўтириб оёқларни кериш, тўп ўнг қўлда. 1- қўлларни ён томонга узатиш; 2- эгилиб, тўпни чап оёқнинг учига теккизиш; 3- ростланиб, қўлларни ён томонга узатиш; 4- дастлабки ҳолатга қайтиш, тўпни бошқа қўлга олиш. Шунинг ўзини ўнг оёққа теккизиб бажариш (6 марта).

7. Д. х.: асосий тик туриш, тўп ўнг қўлда. 1-4- икки оёқда ўнгга сакраш, бир оз дам олиб, яна чап томонга сакраш.

Кетма-кетликда биттадан бўлиб аста юриб, нафас чиқариш машқини бажариш билан бадантарбияни якунлаш.

Бир ҳафталик фаолиятнинг намунавий баёни

Душанба 1.02.11 йил

I. Эрталабки соат

1-мавзу: ” Ростгўйлик” мавзусида суҳбат

Болаларни ростгўй ва камтар бўлишга чақириш. Рост сўзлаш кишини мурод-мақсадига етказиши, унинг мардлик ва ҳақгўйлик ҳисларини шакллантиришда ҳиссаси катта эканлиги. Ростгўйликнинг атрофдагилар қалбида ишонч, ҳурмат ва эътиқодни камол топтиришдаги роли алоҳида уқтирилади. Ростгўйлик ҳақида мақол ва ҳикоя ўқиб бериб, уни шарҳлаш.

2- Мозаика, лево ўйинларини таклиф этиш.

Мақсад: Болаларни ақлан ривожланишини ошириш.

3.Мустақил фаолият (Мустақил фаолиятни бола қизиқиши, истагига қараб гуруҳдаги ривожлантирувчи марказлар ичидан танлайди)

4. Табиат бурчагида меҳнат уюштириш: ўсимлик баргларини артиш, сув қуйиш, тагини юмшатиш.

5.Болалар билан якка ишлаш.(Болалар билан якка ишлаш дафтарига қаралсин)

6.Эрталабки бадантарбия

1-машғулоти

Мавзу: “Алишер Навоий бобомиз” мавзусида суҳбат

Мақсад: болаларга Алишер Навоийнинг халқпарвар инсон эканлиги ҳақида сўзлаб бериш. Алишер Навоийнинг инсонни ҳалоллик, саҳийлик, тўғрилиқ, халқпарварлик каби фазилатлар эгаси бўлишга инсонларни чорлаши ҳақида сўзлаб бериш.

Машғулотининг бориши.Болалар, бугун мен сизга Алишер Навоий бобомизнинг халқпарварлиги, инсонпарварлиги ҳақида сўзлаб бераман. Нима учун Алишер Навоийни халқпарвар деб атаймиз? Халқпарвар деб кимларни атаймиз? Улуғ шоир Алишер Навоий инсоннинг бахтли, саодатли бўлишини, халқнинг осойишта ва фаравон ҳаёт кечиришини орзу қилган ва бу йўлда ҳормай-толмай иш олиб борган.

Алишер Навоий ободончилик соҳасида катта хизмат қилди.Ҳирот ва бошқа шаҳарларда кўп иморатлар, бир қанча ҳовуз, ҳаммом, кўприк, мадрасалар қурдирди Сувсиз ерларга сув чиқариш ишига ҳам аҳамият берди.

2. Ёш олим, шоирларга самимий ёрдам берди.Масалан, мусаввир Бехзод, ҳаттот Султон Али қабилар Алишер Навоий ҳомийлигида етишди.

3.Халқнинг арз- додига қулоқ солиб, уларга кўмаклашди. У Астрабодда ҳоким қилиб тайинланганда ортиқча солиқлар ундирадиган амалдорларни ишдан бўшатди.

4. Подшоҳ Хусайн Бойқарони инсофли, маърифатли ҳукмдор бўлишга чақирди. У золим подшоҳлардан қаттиқ нафратланар эди. Алишер Навоий халқ, мамлакат тақдирини подшоҳга боғлар эди. Одил, адалотли подшо мамлакатни обод, халқни шод-хуррам бўлишига олиб келса, золим подшо мамлакатни хароб ва халқни хонавайрон бўлишига сабаб бўлади.

Алишер Навоий вазирликдан бўшагандан кейин қизгин ижодий ишга берилди. У катта бадиий асарлар яратди.Уларда мамлакат ва халқ манфаатларига, ҳақ-ҳуқуқларига қаратилган масалалар ёритилган. Алишер Навоийнинг фикрича, инсон ўз ҳаётини жамият учун фойдали бўлган хизматга бағишлаши лозим: касб ўрганиши, маърифатли, фазилатли, хушхулқ, бўлгандагина у ўз инсоний бурчини адо этган комил инсон бўлади. Алишер Навоий орзу қилган киши бу ўзини ва бошқа инсонларни ҳурмат қила оладиган кишилардир.

Мана кўрдингизми болалар, биз нима учун Алишер Навоий адолат учун курашган, халқпарвар инсон деймиз. Мен ҳозир сизга Алишер Навоийнинг халқпарварлиги ҳақида бир ривоят ўқиб бераман.

Тарбиячи “Одавий эрсанг” ривоятини болаларга ўқиб беради ва ривоят бўйича савол-жавоб ўтказиб, суҳбатни тугатади.

2- машғулот

Мавзу: Натурага асосан расм чизиш. “Гулдаста”

Машғулотнинг мақсади: Гулдастадаги гулнинг шакли ва жиҳатларини акс эттириш учун болаларни намунага қараб чизишга ўргатиш. Композицияни тасвирлашда диққатни жиҳозга қаратиш.

Натюрмортга нисбатан қизиқиш уйғотиш.

Машғулотга тайёргарлик: Инсон ҳаётида гуллар ва уларнинг роли ҳақида суҳбат уюштириш.

Машғулот учун лозим бўладиган жиҳозлар: 2-3 гул нартюрмортларини кўриб чиқиш. Расм чизиш учун оқ, ҳаво ранг, оч- сариқ, пушти ранг, оч- яшил ранг, гуаш ва акварел бўёғи, мўйкалам, сув, қоғоз ва мато салфеткалар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи 2-3 хил нартюрмортни кўрсатади ва болаларнинг диққатини композициянинг хусусиятларига қаратади.

Тарбиячи болалар диққатини 3-5 та гуллардан ташкил топган гулдастага қаратади (масалан, лола, чиннигул, атиргул).

Тарбиячи: «Келинлар ҳозир биз гулларни намунага қараб ҳақиқий мусавирлардек расм чизамиз. Фақат улар мана бу гулдастага ўхшаб кўриниши лозим. Суратдаги гулларга диққат билан қаранг: гуллар, барглари шакли, қандай жойлашгани, шахчалар қайси томонга энгашганлигини кўриб чиқинг.

1. Қандай гулнинг барглари кўп?
2. Қайси гулларнинг барги кам?
3. Қандай гуллар ўзаро бир- бирига ўхшайди?
4. Қандай гуллар айлана шаклидан бошланади. Овал шаклидан-чи?
5. Мойчечакнинг, кўнғироқ гул япроғининг, атиргул япроғининг шакли қанақа?
6. Мусавир бу гулларни чизишда қандай бўёқлардан фойдаланган?
(оч- пушти ранг, малина ранги, тилларанг ва бошқа ранглар)
7. Мана бу атиргулни тасвирлаш учун қандай рангларни оласиз?
8. Лолани-чи?
9. Наъматакнинг ранги қандай?
10. Сариқ рангдаги қалам билан қандай гулларнинг расмини чизасиз?
11. Бинафша рангли қалам билан қандай гулларни чизасиз?
12. Пушти рангда-чи?

Шу тариқа болалар намунага қараб гул расмини чизишади. Машғулот охирида бажарилган ишлар кўргазмаси ташкил қилинади.

3- машғулот. Жисмоний тарбия

Машғулотнинг мақсади. Болаларни тарқалиб юриш ва югуришга, бетўхтов 1,5 м гача югуришга машқ килдириш, қия- қилиб қўйилган тахтадан юришда мувозанат саклашни ўргатишни давом эттириш, ёўлачалардан сакраб ўтиш ва тўрга тўп ташлашни машқ килдириш.

Жиҳозлар Болаларнинг сонига қараб гардиш, 6-8 та, ёўлача, 2-4 та тахта, бир нечта катта тўп (диаметри 20-25 см).

Машғулотнинг бориши.

Кириш қисм

1. Бир қатор бўлиб, юриш. Тарбиячининг ишорасига биноан тарқалиб юриш, бир қатор бўлиб сафланиш, ҳаракат йўналишини ўзгартириб мўътадил суръатда 1,5 м гача югуриш; бир қатор бўлиб юриш. Уч қаторга қайта сафланиш.

2-асосий қисм. Гардиш билан бажариладиган умумривожлантирувчи машқлар.

1. Д. х.: асосий тик туриш, гардиш пастда (гардишнинг икки ёнидан ушлаш), 1-гардишни олдинга узатиш; 2- гардишни юқорига кўтариш, 3- гардишни олдинга узатиш, 4- дастлабки ҳолатга қайтиш (6 марта).

2. Д. х.: асосий тик туриш, гардиш пастда. 1 —гардишни юқорига кўтариш, 2- ўнгга эгилиб, қўлларни тўғри тутиш, 3- гардиш юқорида, 4- дастлабки ҳолатга қайтиш. (Шунинг ўзини чапга эгилиб бажариш (6 марта)
3. Д. х.: асосий тик туриш, гардиш букилган қўлларда, кўкрак олдида 1-2- ўтириш, гардишни олдинда тутиб туриш, дастлабки ҳолатга қайтиш (6 марта).
4. Д. х.: полда ўтириб, қўлларни букиб гардишни кўкрак олдида тутиш. 1- олдинга ўнг оёққа энгашиш, 2 - дастлабки ҳолатга қайтиш. Шунинг ўзини чап оёққа энгашиб бажариш (6 марта).
5. Д. х.: чалқанча ётиб, гардиш ушлаган қўлларни бош томонга узатиш (ўртасидан ушланади). 1-2- оёқни тиззадан букиб, гардиш четини теккизиш, 3-4- дастлабки ҳолатга қайтиш (5-6 марта).
6. Д. х.: гардиш ичида туриш. Икки оёқда гардиш ичига сакрашни ва ундан сакраб чиқишни тарбиячининг 1-8 саноғи остида бажариш, буни гардиш ичида юриш билан навбатлаштириш (3-4 марта).
- 7.Д. х.: гардишни икки қўлда пастда ушлаш (ён томонларидан ушланган). 1-гардишни олдинга узатиб, ўнг оёқ учини орқага қўйиш, 2- дастлабки ҳолатга қайтиш. (Шунинг ўзини чап оёқда бажариш (6 марта))

Асосий ҳаракат турлари

1. Қия қилиб қўйилган тахтадан (кенглиги 15 см, баландлиги 30 см) қўлларни ён томонга узатиб юриш (2-3 марта).
- 2.Ўғулалардан сакраш. (баландлиги 10 см 6-8 дона) тин олмай сакраб ўтиш (2-3 марта).
- 3.Тўпни 2м. масофадан икки қўллаб бош орқасидан тўрга (гардишга) ташлаш (5-6 марта) Кейин болалар икки гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳ икки оёқда ўғулача устидан сакраб ўтишни бажарса, иккинчиси кетма-кетлик усулида тўрга тўп ташлайдилар. Тарбиячи буйруғига биноан ўрин алмашадилар ва ҳамманинг тайёр эканига ишонч ҳосил қилгач, машқни бажаришга киришадилар.

«Овчилар ва қуёнлар» ҳаракатли ўйини

Якуний қисм Кам ҳаракатли ўйин.

Сайр

1. Қиш фаслининг белгилари кузатишда давом этиш

Мақсад: болаларни феврал қишнинг охирги ойи эканлиги, кун сезиларли даражада узайгани, сумалаклар ҳосил бўла бошлагани(агар сумалаклар бўлмаса шароитга мослаштириб изоҳланади), қушлар овози жонланиб қолгани(чумчуқларни қаттиқроқ чирқиллаши) каби табиат ўзгаришларига диққатларини жалб этиш.

2. Кам ҳаракатли ўйин“Топгину индама”

3.Ихтиёрий ўйинлар (турли ўйинчоқлар:арқонлар,қўғирчоқлар, коптоклар...)

4. Меҳнат Болалар билан биргаликда майдончани тозалаш

5. Тинч ўйин

Куннинг 2-ярми

1. Якка тартибда ишлаш(тўғарак ишлари)

2. Ифодали ўқиш ва суҳбат.(“Эртақлар оламига саёҳат” Болалар истакларига кўра эртақлар ўқиб бериш ёки ҳикоя қилиб бериш)

3. “Бўғинлардан сўз тузинг» таълимий ўйини.

Бўғинли кубиклардан фойдаланиб сўзлар туздирилади. Олдин бир бўғинли, сўнг икки бўғинли сўзлар туздирилади: по-н, Тузилган сўз ўқитилади.

Кечки сайр

1.Ихтиёрий кузатиш

2.Ихтиёрий ўйинлар.

3.Ота-оналар билан ишлаш

Сешанба 02. 02. 11 йил

I. Эрталабки соат

1-мавзу: “Ўртоқлик, дўстлик” мавзусида суҳбат

Болаларнинг ўртоқлик, дўстлик ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш. Мақол мазмунини расмлар орқали изоҳлаш. Болаларда инсонпарварлик фазилатлари: аҳиллик, меҳрибонлик, ғамхўрликни тарбиялаш. Суратдаги персонажларнинг хатти- ҳаракатларини баҳолай олиш хислатларини таркиб топтириш. Сурат мазмуни асосида хулоса чиқаришга ўргатиш. Болалар луғатларини ўртоқлик, дўстлик, кўмаклашиш, аҳиллик, ғамхўрлик каби сўзлар билан фаоллаштириш.

2-“Ким тез ўрайди?” ўйини

Мақсад: Болаларни тезкорликка, эпчиликка ўргатиш уларнинг жисмоний ривожланишини ошириш.

3.Мустақил фаолият

4. Майший меҳнат: хонадаги озадаликни сақлашга ўргатиш, гуруҳ хонасидаги анжомларни ораста, тартибли сақлашга одатлантириш.

5.Болалар билан якка тартибда ишлаш. (Болалар билан якка ишлаш дафтарига қаралсин)

6.Эрталабки бадантарбия

1-машғулот

Илк математик тасаввурларни шакллантириш

Мавзу: Арифметик масала тузилиши билан таништириш

Мақсад:

- Болаларни арифметик масала тузилиши билан таништириш ва масалани ечиш йўллариини ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларда мустақил ҳолда, турли мавзуларда тўғри масала тузиш ва ечиш кўникмаси ҳосил бўлади.

Керакли жиҳозлар:

- 3 та машина
- 5 та китоб
- Анор расми (ҳар бир болага 4 тадан)
- 15 та қаламлар
- Ўйинчоқлар

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Болажонлар, сизлар билан турли содда ҳисоблашларни- кўшиш ва айиришни ўрганиб олганмиз, тўғрими? Бугун масала тузишни ва ечишни ўрганамиз.

Улуғбекжон, сиз шкафдан 1 та машинани олиб келинг ва столга қўйинг. Жамолбек, сиз 2 та машина олиб келинг.

1. Столдаги машиналар Улуғбекжон олиб келган машиналардан кўпми, камми?
2. Жамолбек олиб келган машина столдаги машиналардан кўпми?
3. Болажонлар, Улуғбекжон нечта машина олиб келди?
4. Жамолбек нечта машина олиб келди?

Болажонлар, Улуғбекжон 1 та, Жамолбек 2 та машина олиб келди. Улуғбек билан Жамолбек биргаликда нечта машина олиб келдилар?

Болалар Жамолбек 2 та машина олиб келганини, ҳамма машиналар 3 та, 3 бирдан катта эканлигини тушунтирадилар.

Тарбиячи: Мен масала туздим, сиз уни ечдингиз. Мен масалани бундай туздим: Улуғбекжон қанча, Жамолбек қанча машина келтирганини сўзлаб бердим, кейин

Улуғбекжон билан Жамолбек биргаликда нечта машина келтирганини сўрадим. Сиз саволга тўғри жавоб бердингиз, масалани тўғри ечдингиз.

Болалар учун амалий иш.

Тарбиячи: Болажонлар, энди ҳаммамиз биргаликда масала тузамиз ва ечамиз. Столнинг устига ўнг томонингизга 3 та анор расмини, чап томонингизга 1 та анор расмини қўйинг. Нима қилганингизни гапириб беринг.

Болалар қисқа, боғлиқли, гапириб беришлари керак.

Тарбиячи: Жуда яхши тушунтириб бердингиз. Сиз масала туздингизми? Йўқ. Масаланинг шарти ва саволи бўлиши керак. Масалан: ўнг томонга 3 та анор қўйдик, чап томонга 1 та анор қўйдик. Бу масаланинг шарти. Масаланинг шартида 2 та сон қатнашади. Ҳамма анорлар нечта? Бу масаланинг саволи. Ҳамма анорлар 4 та. Бу масаланинг жавоби. Биз биргаликда масала туздик ва ечдик.

Болажонлар, энди бошқа бир масалани биргаликда тузамиз.

Тарбиячи: Камолбек сиз учта китобни олиб ёнимга келинг. Камолбек сизда нечта китоб бор?

Жамолбек: Менда 3 та китоб бор.

Тарбиячи: Мен сизга яна иккита китоб берсам, сиздаги китоблар нечта бўлади?

Жамолбек: Мендаги китоблар 5 та бўлади.

Тарбиячи: Болажонлар, эътибор берган бўлсангиз биз фақат қўшиш амали бажариладиган масалаларни туздик. Келинглари энди, айириш амали бўйича масала тузамиз.

Менда 10 та қалам бор, қаламнинг 5 тасини Мафтунага берсам, менда нечта қалам қолади?

Бу масалани ечиш учун нима қилишимиз керак? Масаланинг шартидаги 2 та сонга эътибор беринг: 10 қалам бор эди, 5 тасини бердим, энди масаланинг саволига эътибор беринг: менда нечта қалам қолди? Демак, масаланинг жавобини топиш учун 10 дан 5 ни айирамиз. Болажонлар, 10 дан 5 ни айирсак неча бўлади? Тўғри 5 бўлади, демак менда 5 та қалам қолибди-бу масаланинг жавоби бўлди.

Қўшиш ва айиришга доир масалалар 5-6 нафар болалар билан ташкил қилинади.

Тетиклаштирувчи машқ.

Тарбиячи: Болажонлар, доира бўлиб турамыз. Мен шеър айтаман ҳамда шеър сўзларига мос ҳаракатларни кўрсатаман. Сиз ҳаракатларни такрорлайсиз ва шеър бўйича масаланинг жавобини топасиз.

У шохдадир 10 та қуш,

Бу шохдадир 5 та қуш.

Учиб кетса 2 таси,

Шохда қолар нечтаси?

Болаларнинг жавоби.

Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Ким тўғри масала тузади ва ечади?”

Болалар столига турли ўйинчоқлар қўйилади ва болаларга шу ўйинчоқлар ёрдамида масалалар тузиш таклиф этилади. Болалар хоҳлаган ўйинчоқлари ёрдамида мустақил масала тузадилар.

Тарбиячи: Болажонлар, келинглари “Ким тўғри масала тузади ва ечади?” ўйинини ўйнаймиз. Ҳамма ўзи хоҳлаган ўйинчоқлар ёрдамида масала тузади ва жавобини ким топишини хоҳласа ўша боланинг исмини айтиб масалани айтади. Исми айтилган бола масалани ҳисоблаб ечади. Агар масаланинг жавоби тўғри топилса, сиз чапак чаласиз, агар нотўғри бўлса, бошингизни инкор ҳолатида чайқайсиз ва биргаликда масаланинг жавобини тўғри топишга ўртоғимизга ёрдам берамиз.

Болалар билимини ошириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Раённинг 2 та шари бор эди, унга онаси яна 1 та шар олиб берди.

Шарлар нечта бўлди?

2. Сардорнинг 8 та ёнғоғи бор эди, у ўртоғига 2 та ёнғокни берди.

Сардорнинг ёнғоклари нечта қолди?

3. Масала тузиш осонми ёки масаланинг жавобини топиш осонми?

4. Агар Улуғбекда 14 та китоб бўлса, мен яна 1 та китобни Улуғбекка совға қилсам, Улуғбекнинг китоблари нечта бўлади?

5. Муҳайё, сизда 15 та гул бор, 6 тасини Юлдузга берсангиз, сизда нечта гул қолади?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

2-машғулот

Мавзу: Оригами усулида “Мушукча яшаш”

Мақсад: Қоғозни буклаш йўли билан тасвир ҳосил қилишга оид кўникмаларни мустаҳкамлаш.

Болаларни қоғозни турли йўналишда буклаш, тахлаш усулидан фойдаланишга, қайчини тўғри ишлатишга, мушукча яшашда квадрат варокни учбурчак тарзда букиш, учбурчакнинг учини асосга олиб келиб буклаш каби малакаларни мустаҳкамлаш.

Болаларда ясаган нарсалардан завқланиш ҳиссини уйғотиш.

Керакли жиҳозлар:

Рангли қоғоз, елим, қора қалам.

Машғулотнинг бориши:

Бугун болалар, қоғозни буклаш, тахлаш усули орқали мушукча яшашни ўрганамиз. Аввал мен сизга мушукча яшашни тартиби билан таништириб, ўргатиб бераман. Диққат билан кузатинг.

1. Тўғритўртбурчак шаклидаги қоғозни олиб, уни тенг иккига бўламиз.
2. Тўғритўртбурчак шаклидан квадрат шаклни ясаб оламиз.
3. Ҳосил бўлган квадрат шаклни учбурчак тарзда букамиз.
4. Иккинчи учбурчакни ҳам олиб, ўртасидан тенг иккига буклаймиз.
5. Учбурчакнинг учини асосга олиб келиб букланади.
6. Юқорида ҳосил бўлган учбурчак учи унинг ости асосига кичкина учбурчак тарзда қайрилиб букланади. Сўнг учбурчакнинг остки букланиш нуктасидан юқори кичкина учбурчак учига теккизган ҳолда тўғри чизик бўйлаб букланади. Тайёр бўлган шаклга мушукнинг кўзи ва тумшуклари бўялиб, тайёрланиб қўйилади. Мушукчанинг қулоқлари асосга елимланади. Унинг бош қисмини турли хил ҳолатда елимлаш орқали ҳар хил кўринишни ҳосил қилиш мумкин.

Тарбиячи мушукча яшашни тушунтириб бўлгач, болаларни ишга таклиф этади, мушукча яшашда қийналган болаларга ёрдам беради. Болалар ишларини тугатгач тарбиячи болаларга муржаат қилади: болалар, ҳаммамиз ясаган мушукчаларимизни номойиш тасмасига териб чиқамиз ва таҳлил қиламиз. Қани ким ясалган мушукчалар ҳақида ўзининг фикрини айтади? Болалар ишларини раҳбатлантириб, таҳлил қилинади ва машғулот янланади.

3-машғулот Мусиқа (фронтал)

Мақсад:

Болаларнинг мусиқага қизиқишларини орттириш, эшитиш қобилиятларини, мусиқанинг кайфиятини ҳис қилишни ривожлантириш, ўзбек халқ чолғу асбобларидан дутор билан таништириш, Янги ўрганилаётган кўшиқни мустаҳкамлаш, ҳаракатларни мусиқага мослашга ўргатиш;

Керакли жиҳозлар:

Овоз чиқарувчи техника воситаси, дутор чолғуси ижросида куй ёзилган диск ёки аудио кассета, дутор чолғу асбоби ёки унинг тасвири, кўшиқ тўплами, болалар чолғулари, ширма.

Иштирок этувчилар:

Болалар, тарбиячи, мусиқа раҳбари.

Машғулотнинг бориши:

(Болалар марш куйи остида залга кириб келадилар ва доира қрадилар)

Муסיкий саломлашиш

М.Р.: «Салом, болалар!»

Болалар: «Ассалом,устоз!»

(Айтим Ре тоналлигидан бошлаб, 4-5 тоналлик юқорига куйланади ва пастга қайтилади).

Муסיкий ритмик ҳаракатларни бажариш

Коптокни юқорига от - «Андижон полькаси» ўзбек халқ куйи

Майсани сила – «Қари наво» ўзбек халқ куйи

Гулни ҳидлаб бер – «Асп бўламан» ўзбек халқ куйи

Кўзгуга қара – «Чаманда гул» ўзбек халқ куйи

(доирада юриш, оёқ тўпиллатиш, муסיқага мос чапак чалиш, оёқ тўпиллатиш, жуфтликда ҳаракатланиш, тўрт қаторга сафланиш)

М.Р.: Жуда яхши, болажонлар, энди ўтган машғулотларимизда сизлар билан ўрганиб бошлаган «Гуллар билан машқ» ни бажарамиз ва шундан сўнг муסיқа остида стулларимизга ўтириб оламиз.

Гуллар билан машқ

М.Р.: Болалар, машғулотларимизда қандай ўзбек халқ чолғу асбоблари билан танишганмиз?

Болалар: доира, ноғора, карнай, сурнай, най, рубоб.

М.Р.: бугун сизларни яна бир чолғу – дутор билан таништирмоқчиман. Аввал унинг ижросидаги куйни тинглаб кўринг. Кейин суҳбатимизни давом эттирамиз.

Муסיқа тинглаш

«Дутор баёти» ўзбек халқ куйи

(Т.Алиматов ижросидаги ёзув)

М.Р.: куй сизларга ёқдими? (жавоблар). Бу куй «Дутор баёти» деб номаланади. Ўйлаб кўриб айтингчи, у ижроси учун яратилган экан? (жавоблар). Тўғри, дутор учун. Унинг товуши сизларга ёқдими? (жавоблар). Унга қандай таъриф беришимиз мумкин? (жавоблар). Мана қаранг, дутор қандай кўринишга эга (Дутор чолғу асбобининг ўзи ёки тасвири кўрсатилади). Уни эшитиб кўринг (торларини чертиб эшиттиради). Қани, сизлар ҳам чертиб кўрингчи! (болаларга бирма-бир чертиб кўришга имкон берилади). Дутор қандай чолғу асбоби экан – зарблими, пуфлаб чалинадиганми, торлими? (жавоблар) Жуда тўғри, торли чолғу асбоби экан. Қаранг унинг нечта тори бор? (жавоб). Тўғри, дуторнинг иккита тори бор. Унинг номи ҳам торлари билан боғлиқ. Фарс тилидан «ду» сўзи икки деган маънони билдиради. Демак, «ду-тор» – иккита торли дегани экан. Уни усталар тут дарахтидан ясайдилар. Дутор танаси икки қисмдан ташкил топади – коса қисми, даста қисми (кўрсатади). Мана дутор билан яхшилаб танишиб олганимиздан сўнг, яна бир бор «Дутор баёти» ни тинглаб кўрамиз. (эшиттирилади). Бу куй юриш учун мўлжалланганми, куйлаш учунми, ёки рақс тушиш учунми? (жавоблар). Муסיқа янграётганида рақс тушгингиз келдими? (жавоблар). Болалар, куй қандай кайфиятга эга? (жавоблар) Тўғри шўх, қувноқ. Яна қандай кайфиятларни биласиз? (жавоблар) Ҳозир сиз билан бир ўйин ўйнаймиз. Бу «Кайфиятлар» ўйини.

Дидактик ўйин «Кайфиятлар»

(ўйин 3-4 марта ўтказилади)

М.Р.: ўтган машғулотимизда қайси кўшиқни ўрганишни бошлаган эдик? (жавоблар) Тўғри, М.Дадабоевнинг «Онажоним» кўшиғини. Кўшиқ куйлашдан аввал нима қилиш керак? (жавоб) Тўғри овозимизни созлаб олишимиз керак. Келинг сизлар билан машғулотларимиз давомида танишиб олган еттита асосий ноталаримизни номларини куйга солиб, овозимизни созлаб оламиз.

Овоз созлаш машқи.

М.Р.: ҳозир мен билан биргаликда «Онажоним» кўшиғининг 1-қаторини ва нақоратини куйлаб, эслаб оламиз

Кўшиқ «Онажоним» М.Дадабоев мусиқаси

М.Р.: ўтган машғулотимизда кўшиқнинг 2-қаторини тарбиячи опангиз билан биргаликда ўрганиб келиш вазифаси берилган эди. Менга ва тарбиячи опангизга кулоқ тутган ҳолда биргаликда 2 – қаторни куйлаймиз.(турли усуллар ёрдамида кўшиқ мустаҳкамланади).

М.Р.: Болалар, келинг сиз билан «Бойланди» ўйинини ўтказамиз!

Ҳаракатли ўйин «Бойланди»

(ўйин 3-4 марта ўтказилади).

Тарбиячи болаларга ўйинчоқ чолғулар – шикилдоқчалар, доирача ва бубенлар, кўнғироқчаларни тарқатади.

Болалар чолғуларида чалиш

Зарбли оркестр

«Яллама ёрим» ўзбек халқ куйи

Мусиқа раҳбари куйни чалиб эшиттиради. Олдиндан тайёрлаб қўйилган куйнинг ритмик усули тасвирланган плакатни кўрсатади ва унда акс эттирилган усулни ўзи чапак орқали ифодалайди. Сўнг болалар билан биргаликда ифодалайдилар. Алоҳида болаларга ритмик усулни ифодалаб кўришни таклиф қилади. Бир неча такрорлашдан сўнг мусиқа раҳбари ижросида янграётган куйга болалар жўр бўладилар. Усулни ўзлаштиришлари ва эслаб қолишлари учун, болаларни кичик гуруҳларга бўлиб, мусобақа тарзида ижро этишни ташкил қилади. Гуруҳ хонасидаги мавжуд зарбли ўйинчоқ чолғуларда ушбу усулни мустақил ижро этиб кўришларини вазифа қилиб беради.

Шундан сўнг болалар кўтаринки кайфиятдаги мусиқа остида гуруҳ хоналарига йўл оладилар.

Сайр

1. Қушларни кузатиш

Мақсад: Қиш фаслида қушларнинг қандай ҳаёт кечириши, нима билан овқатланиши, қишлаб қолувчи қушларга қандай ёрдам бериш кераклиги ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш билан қайси қушни қачон, қаерда овқатлантирганликларини сўраш билан суҳбатга чорлаш.

2. Ҳаракатли ўйин “Зағизғон”

3. Ихтиёрий ўйинлар(турли ўйинчоқлар: арқонлар, коптоклар...)

4. Меҳнат Майдончада меҳнат

5. Тинч ўйин “Сўз топ”

Куннинг 2-ярми

1. Якка тартибда ишлаш(тўғарак ишлари)

2. Ифодали ўқиш ва суҳбат.(“Эртаклар оламига саёҳат” Болалар истакларига кўра эртаклар ўқиб бериш)

3“Тўғри сана” ўйини

Тарбиячи: Ҳар икки гуруҳга 1 дан 10 гача бўлган рақамлар ёзилган тож тарқатаман. Икки гуруҳ болалари аралашиб юрасизлар. Мен «Болалар тождаги рақамга қараб 1 дан 10 гача тартиб билан териблиб тулинг», десам ҳар бир гуруҳ, ўзининг гуруҳи билан 1 дан 10 гача тартиб билан териблиб туради. Қайси гуруҳ 1-бўлиб туриб олган бўлса, ўша гуруҳ 1 дан 10 гача санаб беради. Санаб беришда ҳар бир бола ўз рақамини айтади. устида, воқеабанд, ихтиёрий, сахналаштирилган).

4. Кўнгилоҷар соатлар “Топишмоқлар куни”

Мақсад: Ўйлаш ва фикрлаш қобилиятларини фаоллаштириш.

Кечки сайр

1.Ихтиёрий кузатиш

2.Ихтиёрий ўйинлар.

3.Ота-оналар билан ишлаш

Чоршанба 3. 02.11 йил

I. Эрталабки соат

1. “Ёлғончилик ёмон одат” мавзусида суҳбат

Болаларга ёлғончилик ёмон иллат эканини тушунтириш. Мақол мазмунини расмлар орқали изоҳлаш. Болаларда суратдаги персанажларнинг хатти- ҳаракатларини баҳолай олиш, сурат мазмуни асосида хулоса чиқариш каби хислатларни таркиб топтиришда давом этиш. Болаларда соф инсоний фазилат- тўғрилиқ ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ва шундай хислатни шакллантириш.

Болалар луғатларини ёлғон сўз, одамларни ранжитади, кўнглини қолдиради, оқибатда ишонч йўқолади, хижолат чекиш каби сўз бирикмалари билан фаоллаштириш.

2- Санамалар таклиф этиш.

Мақсад: Болаларнинг математик тасавурларини ўстиришга ёрдам берадиган ўйин тури «Санамалар» айтириш. Бу ўйин жараёнида болалар шеърӣ сатрлар орқали сон-санокдан топишмоқ тарзида фойдаланиб қатнашадилар. Бунда болаларнинг тасавурлари, фикрлаш доиралари кенгайиб, шеърӣ оҳангда тўғри жавоб қайтаришга ўргатилиб борилади.

3.Мустақил фаолият

4. Ўз-ўзига хизмат: болаларда озадалиқ, сарамжон-саришталик каби фазилатларни шакллантириш. Ўз кийимларидаги камчиликларни сезиб, ўз вақтида уни бартараф этиш. Уйқудан тургандан сўнг ўз ўрнини тартибли тўғрилаб қўйишга ўргатиш.

5.Болалар билан якка тартибда ишлаш.

6.Эрталабки бадантарбия

1-машғулот

Мавзу: Шахсий ҳаётдан ҳикоя тузиш «Автобусда».

Мақсад: Шахсий ҳаётдан мазмунли изчилликда ҳикоя тузишга ўргатиш

Вазифалар:

Шахсий ҳаёт (тажриба)дан тугалланган ҳикоя тузиш малакасини шакллантириш.

Ўз нутқида уюшиқ бўлакли гаплардан фойдаланиш малакасини мустаҳкамлаш.

Овоз кучининг паст-баландлиги, нутқ суратига эътибор бериш.

Кутилаётган натижалар:

Ҳикоя тўқишга қизиқиш уйғонади

Ўз нутқида уюшиқ бўлакли гаплардан фойдаланиш малакасини мустаҳкамланади.

Овоз кучининг паст-баландлигига эътибор берадилар

Керакли жиҳозлар:

Мавзуга оид расмлар

Машғулотнинг бориши.

Тарбиячи: 1. Болалар, сиз йўловчи транспортларга автобусга, троллейбусга, трамвайга чиққанмисиз?

2. Транспортда болалар ўзларини қандай тутишлари керак?

3. Кўча транспортида юриш қоидасини биласизми?

Савол – жавобдан сўнг болалар «Автобус» мавзусида ҳикоя тузадилар. Тарбиячи режа беради.

1. Сиз қачон, қайерда, автобусга ким билан чиққансиз?

2. Автобусда қандай қизиқарли воқеалар юз берди?

Савол-жавобдан сўнг тарбиячи ҳикоя намунасини бериши мумкин.

Мен, ойим билан автобусга чиқдим. Бўш жойлар бор экан, иккаламиз ҳам ўтириб олдик.

Мен ойнадан ташқарига қараб кетдим. Автобусдаги одамларга ҳалақит бермаслик учун

секин-секин гаплашиб кетдик. Кейинги бекатда 2 бола онаси билан чиқди. Иккала болалар

ойна ёнидаги ўриндикка ўтираман деб хархаша қилишди. Оналари эса автобусдаги одамлардан ҳижолат бўлди. Мен эса ойимга қараб қўйдим.

Тарбиячи 5-6 та болалар жавобларини эшитади.

Тетиклаштирувчи машқ

Бармоқлар машқи

Шеър сўзларига мос ҳаракатлар бажарилади

1. Боғчага бораман дейди,

Бирга бўламан дейди.

Қўшиқ айтаман дейди,

Расм соламан дейди.

Доно бўламан дейди.

Тарбиячи: «Болалар, автобус ҳайдовчисининг гапини паст, баланд ўртача суратда айтишга ҳаракат қиламиз».

Кейинги бекат «Шофайз».

Тарбиячи болаларга «Назоратчи» ўйинини ўйнатиш билан машғулотни якунлаш мумкин.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. Транспортларда болалар ўзларини қандай тутишлари керак?

2. Кўча транспортида юриш қоидасини биласизми?

2- машғулот

Мавзу: Лойдан ўйинчоқ тойчоқ яшаш.

Мақсад: Ҳамро буви ўйинчоқларини яшашда давом эттириб, болаларда уларга нисбатан қизиқишни тарбиялаш. Тойчоқ ўйинчоғини яшаш йўли ва усулларини ўргатиш. Лойни бўлақларга бўлиш малакасини янада ўстириш, қисмларини бириктириш усулларини мустаҳкамлаш. Болаларни тойчоқнинг ўзига хос характерли хусусиятларини тасвирлашга ўргатиш.

Жихозлар: Лой, тахтача, ёғоч қаламлар, ўйинчоқ намунаси, латта, сув солинган ясси идиш.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болалар билан биргаликда ўйинчоқ намунасини таҳлил қилади. Унинг қисмлари, тузилиши, шакли, ранглари борасида савол-жавоблар ўтказди. Сўнг, машғулотнинг асосий мақсадига ўтади.

Тарбиячи: Болалар ҳуштак яшашни биласиз- а, у қандай ясалади? (Болаларнинг жавоблари).

Жуда яхши жавоб бердингиз. Энди сиз билан тойчоқ ҳуштак яшашни ўрганамиз. Тойчоқ шаклини яшаш учун лойни бўлақларга бўлиб оламиз. Катта бўлақ - тана ва бўйин учун.

Бошқа бўлақлар эса бош ва қулоқлар учун ишлатилади.

Отда нечта оёқ бор?

Энди тойчоқ яшашни кўрсатаман. Сиз диққат билан қараб туринг. Катта бўлақни олиб, цилиндр шаклига келтирамиз. Ундан тойчоқнинг танаси ва бўйинини ясаймиз.

Кейинги бўлақлардан боши ва думини ясаймиз. Қулоқларини ясаб бошига улаб қўямиз.

Бирлаштирилган жойларини сув билан ҳўллаб силлиқлаймиз. Сўнгга оғзини ва лабини ясаймиз. Чавандоз оёғини қўядиган узангини ўз жойига ўрнатамиз ва тизгинни

тойчоқнинг оғиз қисми атрофидан ўтказамиз. Охирида оёқларини танага ёпиштирамиз.

Мана тойчоғимиз тайёр бўлди.

Болалар, ҳаммамиз ясаган ўйинчоқларимизни намойиш тахтасига териб чиқамиз ва таҳлил қиламиз. Қани ким ясалган ўйинчоқлар ҳақида ўзининг фикрини айтади?

Энди уни биз махсус жойда қуритишга қўямиз.

3- машғулот

Жисмоний тарбия

Машғулотнинг мақсади. Болаларни бир-бирларининг қўлларидан ушлаб доира бўйлаб юриш ва югуришга, тарқалиб юриш ва югуришга машқ қидириш, турган жойидан узунликка сакраганда шиддат билан итарилиш ва ярим букилган оёқларда ерга тушиш малакасини мустаҳкамлаш, ёй остидан ўтиш ва тўпни ерга уриб юришни машқ қилдириш.

Жихозлар Болаларнинг сонига етарли таёкча 4- 6 ёй, тўплар (диаметри 10—12 см).

Машғулотнинг бориши.

Кириш

Сафланиш, топширикни тушунтириш. Бир қатор бўлиб қайта сафланиш, сўнгра доира бўлиб туриш. Қўл ушлашиб доира бўйлаб юриш ва югуриш, тарбиячининг: «Шакл яса» дейиши билан тўхтаб, тарқалиб юриш ва югуриш.

Асосий қисм

1. Таёкча билан бажариладиган умумривожлантирувчи машқлар.

Д. х.: асосий тик туриш, таёкча пастда 1-таёкчани кўкраккача кўтариш, 2-юқорига кўтариш, 3- кўкракка тушириш, 4- дастлабки ҳолатга қайтиш (6-7 марта).

2. Д. х.: асосий тик туриш, таёкча пастда, 1- таёкчани юқори кўтариш, ўнг оёқ томон эгилиш, 3- ростланиб, таёкчани юқорига кўтариш, 4- дастлабки ҳолатга қайтиш. (Шунинг ўзини чап оёқ томон эгилиб бажариш. 6 марта).

3. Д. х.: асосий тик туриш, таёкча елкада. 1- чўккайиб гавдани ҳамда бошни тўғри тутиш, 2- дастлабки ҳолатга қайтиш (5-6 марта).

4. Д. х.: оёқлар елка кенглигида очилган, таёкча пастда, 1- таёкчани юқорига кўтариш, 2- ўнгга (чапга) эгилиш, 3- ростланиб, таёкчани юқорида ушлаш, 4- дастлабки ҳолатга қайтиш (6—8 марта).

5. Д. х.: қорни билан ётиб, таёкчани қўлларни букиб олдинда ушлаш, 1-2- эгилиш, таёкчани олдинга - юқорига кўтариш, 3-4- дастлабки ҳолатга қайтиш (6—7 марта).

6. Д. х.: қўлларни ёнга тушириб таёкча олдида туриш.

Таёкча атрофида ҳаракатланиб ўнг ва чапга бурилиб сакраш (3—4 марта).

Асосий ҳаракат турлари.

1. Турган жойидан узунликка (масофа 50 см) сакраш 8-10 марта.

2. Олдинга қадамлаб силжишда бир қўллаб тўпни уриб бориш (масофа 6 м). 2-3 марта.

3. Эмаклаш, қўлни полга теккизмай, букчайиб ёй тагидан ўтиш (баландлиги 40 см) 2-3 марта.

«Полда қолиб кетма» ҳаракатли ўйини.

Якуний қисм. Қўлга оид топширикни бажариб, бир қатор бўлиб юриш.

Сайр

1. Дарахтни кузатиш

Мақсад: Дарахт шохларини кузатиш, куртакларнинг бўртиб қолганлигига аҳамият бериш. Дарахтлар баҳор фаслига тайёрланаётганлиги ҳақида болалар билимларини кенгайтириш

2. Ҳаракатли ўйин “Оқ теракми-кўк терак”

3. Ихтиёрий ўйинлар. (турли ўйинчоқлар: арконлар, қўғирчоқлар, коптоқлар...)

4. Мехнат. Болалар билан биргаликда майдончани тозалаш

5. Тинч ўйин “Сўзлар жуфти”

Куннинг 2-ярми

1. Якка тартибда ишлаш(тўғарак ишлари)

2. Ифодали ўқиш ва суҳбат. (“Эртаклар оламига саёҳат” Болалар истакларига кўра эртаклар ўқиб бериш)

3“Суратли кубиклар” тўпламини таклиф этиш

Кечки сайр

1.Ихтиёрий кузатиш

2.Ихтиёрий ўйинлар.

3.Ота-оналар билан ишлаш

I. Эрталабки соат

1. “Саломатлик” мавзусида суҳбат

Болаларнинг саломатлик ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш. Уларга саломатликнинг бош мезони тоза ва озода юриш, тартиб билан овқатланиш, вақтида дам олиш эканини ва бу одатларни ҳар бир бола билиши зарур эканини ўқитиш. Мақол мазмунини расмлар орқали изоҳлаш. Болаларда суратдаги персонажларнинг хатти- ҳаракатларини баҳолай олиш, сурат мазмуни асосида хулоса чиқариш каби хислатларни таркиб топтиришда давом этиш.

2- "Сўз топ" ўйини. Тарбиячи болаларни икки гуруҳга бўлади: биринчи гуруҳга “К” товуши билан бошланадиган сўзлар топиш, 2- гуруҳга “К” товуши сўзнинг ўртасида келган сўзлар топиш, 3- гуруҳга “К” товуши сўзнинг охирида келган сўзлар топиш айтилади, қайси гуруҳ ўйланиб, белгиланган муддатда сўз топа олмаса ўйиндан чиқади. Ўйинни охиригача давом эттирган гуруҳ ғолиб саналади.

3.Мустақил фаолият (Мустақил фаолиятни бола қизиқиши, истагига қараб гуруҳдаги ривожлантирувчи марказлар ичидан танлайди)

4. Қўл меҳнати: қоғоздан тулкича ясаш (мушукча ясашга қаралсин)

5.Болалар билан якка тартибда ишлаш.

6.Эрталабки бадантарбия

1-машғулот

Мавзу: Ромб шакли билан таништириш

Мақсад:

Болаларда ромб шакли ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.

Кутилаётган натижалар:

Болалар ромб шакли ҳақида билиб оладилар.

Керакли жихозлар:

Тарбиячи учун катта ўлчамда квадрат, тўғри тўртбурчак ва ромб шакллари 1 тадан Болалар учун кичик ўлчамда квадрат, тўғри тўртбурчак ва ромб шакллари 1 тадан (конвертга солинган бўлади)

Оқ қоғоз ва рангли қаламлар

Квадрат, тўғри тўртбурчак ва ромб шаклидаги медальонлар

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Болажонлар, сизлар билан қандай геометрик шаклларни ўрганганмиз? Тўғри, сизлар билан доира, квадрат, учбурчак, тўғри тўртбурчак, олтибурчак, бешбурчак, саккизбурчак шакллари ҳақида гаплашганмиз.

Болажонлар, квадрат, учбурчак, тўғри тўртбурчак, олтибурчак, бешбурчак, саккизбурчак шакллари бир сўз билан қандай ифодалашимиз мумкин? Тўғри, уларни бир сўз билан кўпбурчаклар дейишимиз мумкин. Бугун болажонлар, сизларга яна битта янги шаклни олиб келдим. Бу шакл ҳам кўпбурчакларга ўхшайди, мана қаранглар бу шакл қайси шаклларга ўхшаб кетади?


Тўғри, болажонлар, бу шакл квадарт ва тўғри тўртбурчакга ўхшаб кетади, қани болажонлар айтинглари қандай ўхшаш жиҳатлари бор?

Тўғри, бу шаклнинг ҳам 4 та бурчаги ва 4 та томони бор, лекин унинг озгина фарқ қиладиган жиҳатлари ҳам бор, бурчакларининг 2 таси учли, 2 таси бўлса унчалик учли эмас, шунинг учун бу шакл ўз номига эга. Бу шакл ромб дейилади.

Болалар учун амалий иш.

Тарбиячи: Болажонлар, столдаги конвертни очинглари, конвертда нима бор экан. Конвертда тўғри тўртбурчак, квадрат ва ромб шакллари бор. Бу шаклларни олиб бир-бирининг устига қўйиб фарқини кўриб чиқамиз. Биринчи бўлиб тўғри тўртбурчакни кўриб чиқамиз ва столга қўямиз. Унинг устига квадартни қўямиз. Энди уларнинг устига ромбни қўямиз. Бу 3 та шаклнинг ҳам 4 та томони ва 4 та бурчаги бор лекин, улар бир-биридан томонларининг узунлиги ва бурчакларининг кўриниши билан фарқ қилади.

Энди столдаги оқ қоғоздан бирини оламиз ва ромб шаклини мана шу оқ қоғозга қўйиб четидан қаламда чизамиз. Хоҳласангиз 2 та ромб чизишингиз мумкин, 2-чисини ўзингиз мустақил чизинг.



Болалар ромбларни чизиб бўлганларидан сўнг хоҳлаган рангга бўяйдилар.
Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Кластер”.

Тарбиячи болаларга тўғри тўртбурчак, ромб ва квадрат шаклидаги медальонлардан биттадан бериб чиқади.

Полда катта ромб, унинг атрофига кичик ромблар, катта тўғри тўртбурчак -унинг атрофида кичик тўғри тўртбурчаклар, катта квадрат-унинг атрофида кичик квадратлар чизилган бўлади.

Агар тарбиячи “Шакллар юришибди” деса болалар юришади, “Шакллар катта уйга” деса, кимда қандай шакл бўлса, худди шундай катта шаклнинг ичига йиғилишади. “Шакллар 2 тадан бўлиб терилди” дейилса, катта шаклдан чиқиб 2 қатор бўлиб терилишади. “Ромблар кичик уйга” дейилса, ромб шаклини таққан болалар кичик ромб шаклларига туриб олишлари керак. “Шаклларни алмаштиринглар” дейилса болалар шаклларни алмаштиришади. Болалар хоҳлаганларича ўйинни давом эттириш мумкин. Болаларнинг билимини ошириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

Қуёш қандай шаклга ўхшайди?

Ромб шаклининг нечта томони бор?

Доира шаклининг нечта бурчаги бор?

Ромб шаклининг нечта бурчаги бор?

Нима учун доира ва учбурчак деймиз? Уларнинг номини бошқача айтса ҳам бўладими?

Тўртбурчак шаклининг нечта бурчаги бор?

Тўғри тўртбурчак, квадрат ва ромб шаклларининг ўхшаш жиҳатларини ва фарқларини айтинг.

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

2- машғулот

Мавзу : “Е” товуши, бош ва кичик “Ее” ҳарфлари билан таништириш

Мақсад:

“Е” товуши ва Ее ҳарфлари билан таништириш.

Вазифалар:

“Е” товушининг унли товуш экани ҳақида тушунча бериш, унинг сўз боши, ўртаси ва охирида келишини айтиш, унинг тўғри талаффузини ўргатиш,

“Е” товушли сўзлар билан болалар нутқини бойитиш.

Қутилаётган натижалар:

“Е” товуши ва “Ее” ҳарфларини билиб оладилар.

“Е” товушининг унли товуш эканлигини, унинг сўз боши, ўртаси ва охирида келишини билиб оладилар.

“Е” товушли сўзлар айта оладилар.

Керакли жиҳозлар:

“Ее” ҳарфлари

“Е” товуши бор суратлар

Машғулотнинг бориши:

1. Тарбиячи ҳарф жилдидан ўрганилган ҳарфларни ўқиб талаффуз қилиб беришни болалардан сўрайди. Болалар ҳарфларни топиб, унинг қандай ҳарф эканлигини (бош ёки кичик) айтиб, талаффуз қилиб кўрсатадилар.

2. . Тарбиячи нутқ товушлари талаффуз хусусиятларига кўра неча гуруҳга бўлиниши ҳақидаги болалар билимини савол-жавоб орқали аниқлайди:

— Товушлар талаффузига кўра неча гуруҳга бўлинади?

(Иккига)

—Унли товушга хос хусусиятларни айтинг.

—Ундош товушга хос хусусиятларни айтинг.

Болалар ҳосил қилган билимларини эслайдилар.

“Е” товуши билан таништириш

Тарбиячи хаттахтага Echki, Eshak, etik расмини (ёки муляжини) қўяди. болалардан е товуши билан бошланадиган сўзларни ажратиб айтишларини сўрайди. Унда “Е” товушининг ўрни белгиланади. Энди “Е” ҳарфи ўртасида келган сўзни сўрайди: Oybek, Otabek ва ҳ. з. Буларнинг ҳам бўғин-товуш таҳлили ўтказилади, “Е” ҳарфининг ўрни белгиланади.

Тарбиячи “Е” товушини аввал ўзи айтади, кейин болалар хўр бўлиб айтадилар. “Е” товуши унли товуш эканлиги, “Е” оғизда тўсиққа учрамаётганини, қанча чўзса чўзилиши айтиб машқ қилинади.

“Е” товушини талаффуз этганда: лаблар жилмайган(кулган), тишлар бир-бирига яқинлашган, лекин бирлашмаган, олдинги тишлар кўриниб турган, тилнинг кенг учи пастки тиш қирраларига тегиб турган, юмшоқ танглай томоқнинг орқа деворига сиқилган, бурун йўллари эпиб турган ҳамда ҳаво оқими оғиз орқали ўтиб кетадиган, товуш боғламлари бириккан, тебраниб товуш ҳосил қиладиган ҳолатда бўлиб туришига эътибор бериш керак.

Жисмоний дақиқа

Сўз топ" ўйини. Тарбиячи болаларни 2 гуруҳга бўлади: биринчи гуруҳга “Е” товуши билан бошланадиган сўзлар топиш, 2- гуруҳга “Е” товуши сўз ўртасида келган сўзлар топиш айтилади, қайси гуруҳ ўйлашиб, белгиланган муддатда сўз топа олмаса ўйиндан чиқади. Ўйинни охиригача давом эттирган гуруҳ ғолиб саналади.

Тарбиячи: Болалар, ҳар бир товуш ёзувда алоҳида ҳарф билан ёзилади. Мен ҳозир сизларга “Е” товушини ёзувда ифодаловчи Ее босма ҳарфини кўрсатаман. Болалар, Ее ҳарфининг шакли қандай экан? “Е” ҳарфининг неча хил шаклини кўряпсиз? (2 хил шаклини кўряпмиз: бири катта, 2- си кичик.) Сиз катта деган “Е” ҳарфи бош “Е” ҳарфи дейилади. Бош “Е” ҳарфи билан кишиларнинг исми ва фамилияси ёзилади. (Бош ҳарфларнинг ишлатилиши кейинги ҳарфларда тўлдирилиб борилади.) Бош “Е” ҳарфи билан ёзиладиган болаларининг исмидан топтирилади: Erkin, Eltoy, Elyor каби. Кичик “е” ҳарфи қолган сўзларда ишлатилади. Масалан: etik, etak, eshak каби. Мана бу (хаттахта ёнидаги) „Ҳарф жилди" га “Ее” кесма ҳарфлари чўнтакчага солинади.

Болалар учун амалий иш.

Тарбиячи: Болажонлар, келинлар ҳаммамиз таёқчалардан “Е” ҳарфини ясаймиз. Бунинг учун “Е” ҳарфининг шаклига диққат билан қараб олиб, таёқчалардан шу шаклни ясаймиз.

Болалар, “Е” ҳарфи ҳақида қувноқ шеър эшитинг.

Ҳовлидаги нарвонча
Бирдан синиб қолибди.
Битта устуни тушиб
“Е” ҳарфи бўп қолибди

Кесма ҳарфлар билан ишлаш.

Тарбиячи “Е” унли иштирок этган бир неча сўзни бўғинларга бўлиб (el, ek, elak, etak, etik, ekin) айтади. Болалар айтилган сўздаги бўғинда “Е” унли иштирок этган бўлса “Е”

кесма ҳарфни баланд кўтарадилар.

Бўғинли карточкалар билан ишлаш. Тузилган бўғинлардан ёки бўғинли карточкалардан бир нечта сўз туздирилиб, ўқитилади, улардан бирининг бўғин-товуш таҳлили ўтказилади: el, e-lak, e-tik, e-tak, e-kin.

Машғулотга фаол қатнашган болалар раҳбатлантирилади.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Бугун қайси товуш билан танишдик?

-“Е” қандай товуш экан?

-Бу товушни нима қиламиз?

- Биз товушларни нима учун ўрганамиз?"

-“Е” ҳарфининг неча хил шакли бор экан? (Бош ва кичик, босма шакли)

Бўғинли карточкалар билан қандай сўзларни туздик

3- машғулот

Мавзу: Қиш фасли ҳақида такрорий суҳбат

Мақсад: Болаларнинг қишги ҳодисалар ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш, қишда табиатда бўладиган ўзгаришларнинг изчилликларини аниқлаш. Болаларда гўзал қишдан завқланиш туйғусини янада ошириш.

Зарур жиҳозлар: Болалар қиш давомида юритган об-ҳаво ва табиат календари. Қиш мавзусида расмлар

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Бугун биз қиш фаслининг охириги ойи феврал ойида табиатдаги ўзгаришлар ҳақида суҳбатлашамиз. Менда декабр, январ ойлари учун тутилган, сиз ўзингиз белгилаган об-ҳаво тақвими бор. Келинглари, бу тақвимга қараб бу йилги қиш фасли қандай бўлганини таҳлил қиламиз. Декабр, январ ойларида кунлар совуқ бўлди, аммо қор кам ёғди. Феврал ойида оби-ҳаво қандай бўлди? Қор ёғдимиз?

Болалар қиш фаслини ёқтирасизми?

Сайрда қиш фаслида қандай қизиқарли воқеалар ёдингизда қолди, бир эсланг-чи?

Қушларга қандай ёрдам бердик?

Тарбиячи болаларнинг жавобларини умумлаштиради: қиш фаслида кунлар қисқа, тунлар узун бўлди, кунлар совуқ бўлди, қор ёғди, дарахт ва буталар қор билан қопланди.

Қишнинг охирида кун узая борапти, иссиқ кунлар кўпаяпти, қушлар ҳам жонланиб қоляпти.

Болалар билимларини аниқлаш: Дидактик ўйин: «Йил фасллари»

Сайр

1. Арча дарахтини кузатиш

Ма=сад: Болаларни нинабаргли арча дарахти ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш.

2. Ҳаракатли ўйин “Қувлашмачоқ”

3. Ихтиёрий ўйинлар.(турли ўйинчоқлар: арконлар, қўғирчоқлар, коптоқлар...)

4. Меҳнат. Болалар билан биргаликда арча дарахти атрофини тозалаш

5. Тинч ўйин “Тўп кимда”

Куннинг 2-ярми

1. Якка тартибда ишлаш(тўғарак ишлари)

2. Ифодали ўқиш ва суҳбат.(“Эртақлар оламига саёҳат” Болалар истакларига кўра эртақлар ўқиб бериш)

3. “Бўғинли кубиклар” билан ишлаш.

Болаларга бўғинли кубиклардан сўзлар туздирилади ва ўқитилади, улардан бирининг бўғин-товуш таҳлили ўтказилади.

bil, bo-bo, bi-no, bol-ta, ba-nan, ta-bib

4. Кўнгилочар соатлар “Туғилган кунинг билан”

Мақсад: Болаларда бир бирига бўлган дўстона муносабатни, дўстининг қувончига шерик бўлиш ҳисларини тарбиялаш, тадбир сабабчилари ёқтирган ўйинларини ўйнаш ва улар талаблари асосида концерт ташкил қилиш.

Кечки сайр

1. Ихтиёрий кузатиш

2. Ихтиёрий ўйинлар.

3. Ота-оналар билан ишлаш

Жума 05. 02.11 йил

I. Эрталабки соат

1. “Яхшилик энг яхши одат” мавзусида суҳбат

Болаларга яхшилик энг юксак фазилат эканлиги, яхшилик инсонларнинг бир-бирига меҳр кўрсатиши, ўзаро ёрдам, ғамхўрлиги, ширин сўзда намоён бўлиши ҳақида тушунча бериш. Болаларга одоб- ахлоққа доир панд- насиҳатлардан намуна келтириб, уларнинг инсонларга яхшилик қилишга ундаши, яхшилик доим раҳмат келтиришини ҳаётий мисоллар билан тушунтириш. Мақол мазмунини расмлар орқали изоҳлаш. Болаларда суратдаги персонажларнинг хатти- ҳаракатларини баҳолай олиш, сурат мазмуни асосида ҳулоса чиқариш ҳислатларини таркиб топтиришда давом этиш. Болаларда соф инсоний фазилат- яхшилик ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ва шундай ҳислатни шакллантириш. Болалар луғатларини одоб, яхшилик, меҳр кўрсатиш, кўмаклашиш, каби сўзлар билан фаоллаштириш.

2- “Кимга нима керак ўйинини” таклиф этиш.

Мақсад: Болаларни катталар меҳнати билан таништириш ҳамда иш қуроллари билан таништиришда давом этиш.

3. Мустақил фаолият (Мустақил фаолиятни бола қизиқиши, истагига қараб гуруҳдаги ривожлантирувчи марказлар ичидан танлайди)

4. Табиат бурчагида меҳнат уюштириш: Дераза олдида тувакчаларга пиёз экиш.

5. Болалар билан якка тартибда ишлаш.

6. Эрталабки бадантарбия

1-машғулот “Шифокор” - касби ҳақида суҳбат.

Машғулотнинг мақсади: Болаларнинг “шифокорлар” касби, уларнинг иш асбоблари ҳақидаги билимларини аниқлаш. Шифокор бўлиш учун нима иш қилиш керак, шифокор қандай фазилатларга эга бўлиши кераклиги ҳақидаги билимларни кенгайтириш.

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи: Болалар бугун биз шифокорлар касби ҳақида суҳбатлашамиз. Бу касб сизларга жуда таниш. Чунки сиз шифокорлар билан ҳаммангиз танишсиз. Мен сизни шифокор касби ҳақидаги билимларингизни аниқламоқчиман. Қани, айтингларчи, шифокор касби ҳақида нималарни биласиз? Шифокорлар нима иш қиладилар?

Болаларнинг жавоблари.

Тарбиячи: Болалар шифокорлар турли касалликлар билан оғриган беморларни даволайдилар. Даволашда фойдаланиладиган асбоб-ускуналарнинг суратлари олдингизда турибди. Сиз бу суръатлардан фойдаланиб, асбоб-ускуналар ҳақида гапириб беришингиз керак бўлади.

Болалар жавоблари.

Тарбиячи: Болалар шифокорлар турли касалликлар билан оғриган беморларни даволайдилар. Даволашда фойдаланиладиган асбоб-ускуналарнинг суратлари олдингизда

турибди. Сиз бу суръатлардан фойдаланиб, асбоб-ускуналар ҳақида гапириб беришингиз керак бўлади.

Болалар жавоблари.

Тарбиячи: Мен ҳозир сизларга буюк табиб Ибн Синонинг шогирдларига доимо берадиган насихатларидан бирини ўқиб бераман.

Ибн Сино : “Берган дорим шифо бўлади десанг, хато қиласан. Даво, аввало, ширин тил, хушмуомала, кулгу-табассум билан қилинади. Бемор қўпол бўлса, ҳаким мулойим бўлиши, бемор заҳар бўлса, ҳаким ширинзабон бўлиши, бемор ноумид бўлса, ҳаким умидли бўлиши, бемор хўмрайса, ҳаким кулиши керак. ҳакимда шулар бўлмаса, у ҳаким эмас, балки ўлимни яқинлаштирувчи бир кимсадир”, деган экан.

Тарбиячи болалар билан биргаликда ривоятни таҳлил қилиб, шифокорлар ҳақида шеър ўқиб бериши мумкин. Сўнгра болаларга “Шифокор” ўйинини ўйнатиш мумкин.

2- машғулот

Тайёрлов гуруҳи учун “+умдаги расмлар” композиция тузиш

Ма=сад:

Тасаввур бййича расм чизишга ыргатиш. Тасвир яратишда муста=ил равишда янги усул- =умли расмларни яратиш усулидан фойдаланишга ыргатиш.

Маш\улотга тайёргарлик: Таё=чалар билан =умда расм чизиш.

=ум билан ыйнаш.

Маш\улот учун жишозлар: =о\озда расм чизиш учун –сари=, оч сари=, оч сут рангдаги турли шажмдаги =о\озлар, рангли =аламлар, фломастерлар. “=умли ” расмлар учун- майда яшикларда тоза =ум ёки =уру= манний ёрмаси, ПВА елими ва елимлаш учун мый=алам,

Маш\улотнинг бориши.

Тарбиячи болалардан аввалги маш\улотларда =умда нималарнинг расмини чизганликлари ша=ида сырайди.

Тарбиячи:

- “Тасаввур =илинг, биз сиз билан =ир\о=да ытирибмиз. =умда сиз истаган нарсангизни ясашингиз мумкин. +умнинг рангидаги =о\озни танлаб олинг. Бу =о\озга сиз истаган нарсаларингизни чизиб жойлаштиришингиз мумкин”.

Болалар =ум рангидаги =о\озларни олиб, рангли =аламлар билан расм чиза бошлашади. Иш давомида тарбиячи болалар билан суҳбат олиб боради ва расмлари учун ном топиш лозимлигини айтиб ытади.

Маш\улотнинг иккинчи =исмида “=умли расмлар” яратилишининг янги услубини кырсатади. Аввалига тарбиячи =утичада сепилган =ум ёки манний ёрмасига болаларнинг ди==атини =аратади. =умда асосан =ыл ёки таё=ча билан расм чизиш мумкинлигини айтади, яна ноёб усул- бу =умли расмларни =о\оз ва елим ор=али яратиш мумкинлигини айтади. Тарбиячи =о\оз олиб, уни доска ёки мольбертга ёпиштиради, фломастер ёки =алам билан оддий расмни чизади (масалан, =уёш, гул,), сынгра шамма чизи=лар бййлаб елим билан суртиб чи=ади ва шамма расмни =умли ёки манний ёрмаси бор яшикка ыгиради (расмлари паст тарафда туриши лозим). Енгилгина =о\озга тапиллатиб кыради, расмни кытаради ва “=умли расмларни” кырсатади. Елим билан фа=ат чизи=ларни эмас, балки йирик нарсаларни (=уёшнинг, гулнинг ыртасини ва баргини суртиб чи=иш мумкин). Болалар =ум ва манний ёрмаси жойлаштирилган яшиклар ёнида янги усулни =ыллайдилар. Бунда болалар =умни тасвирдаги елим устига астагина =ыллари билан сепиб чи=ишлари шам мумкин. Тарбиячи болаларни бу янги услубни =анчалик тез ва яхши ызлаштирганликларини =айд этиб боради Маш\улотдан сынг кыргызмага болалар ишларидан намуналар келтирилиб, “=умдаги расмлар” кыргызмасини ташкил этиш мумкин.

3- машғулот

Мавзу: «Қувноқ саёҳат»

(ноанъанавий машғулот)

Мақсад: болаларда мусиқага бўлган қизиқшни ошириш, мусиқага мос эмоционал жавоб бериш, эслаб қолиш, таниб олиш, мусиқий жанрларни фарқлаш, мусиқа ритмини ҳис қилишни ривожлантириш, ноталар ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш, ижодкорликка йўналтириш.

Керакли жихозлар: рангли, мусиқий зинапоя, расмлар, чолғу асбоблари (доира, дтор, металлофон, ноғора);

Иштирок этувчилар: буви, айик, сув париси, ялмоғиз, Шумбола, Буратино.

Машғулотнинг бориши:

(Болалар мусиқа остида залга кириб келадилар)

М.Р.: болажонлар, биласизми, бугун сизларга эртак айтиб бермоқчиман. Бироқ ундан аввал қулайроқ жойлашиб олинглар (болалар гиламга жойлашадилар). Энди диққат билан кулоқ солинг. Ўрмонда етти опа-сингил яшар эдилар. Улар мусиқанинг энг яқин дугоналари экан. Чунки ҳар қандай мусиқа бу опа-сингиллар ёрдамида ёзилар экан. Болалар, сўзлар нималар ёрдамида пайдо бўлади? (жавоблар) Чизган расмларимизни нима ёрдамида ифодалаймиз? (жавоблар) Мусиқани эса ноталар ёрдамида белгилаймиз, ноталар воситасида ёзамиз. Машғулотларимизда уларнинг номларини ўрганганмиз, қани уларнинг номларини эслаб кўрингларчи! (жавоб). Демак, эртагимиз давом этади. Етти опа-сингиллар-еттита асосий ноталар экан. Шундай қилиб, улар ўрмонда яшаб зерикибдилар ва ўзларига ўрмон четидан уй қуришга қарор қилибдилар. Улар беш қаватли уй қурибдилар. (плакатда зинапоя шаклида қурилган беш қаватли уйга жойланган ноталарнинг тасвирини кўрсатади). Энг катта қизнинг исми До экан. До: «Мен ҳаммангиздан каттаман. Юқори қаватга чиқишга қийналаман, ўрмонни ҳам ташлаб кетгим келмайди. Шунинг учун ўрмон билан уйнинг орасида яшайман» дебди ва мана бу ерга (кўрсатади) жойлашиб олибди. Иккинчи қизнинг исми Ре бўлиб, Ре катта опаси Дога яқинроқ бўлиш учун уйнинг ҳовлисига жойлашибди. (кўрсатади). Кейинги қиз Ми, уйнинг биринчи қаватидан жой олибди. Фа эса биринчи ва иккинчи қаватнинг орасидан жой олибди. Соль иккинчи қаватга, Ля иккинчи ва учинчи қават орасига жойлашибди. Энг кичик сингиллари Си, опаларини жуда ҳам яхши кўрар экан. «Мен учинчи қаватга чиқиб оламан. Баланддан опаларимни доим кўриб тураман» дебди ва учинчи қаватга чиқиб олибди. Шундай қилиб товушқатор пайдо бўлибди. Қани, болалар биргаликда товушқаторни куйлаб кўрайлик. Опа-сингилларнинг ҳаммасини ўз исмини айтиб куйлаймиз, бўлмаса улар ҳафа бўлиб қоладилар. (юқорига ва пастга бир неча марта куйлайдилар). Энди сизлар билан ноталарни мана бу беш қаватли чизикқа жойлаб чиқамиз. (шу вақтда хонага А.Хачатуряннинг «Ари» куйига шамол учирилади ва олдиндан тайёрлаб қўйилган ноталар шакли солинган конвертни олиб чиқиб кетади) М. Р.: болалар, бу нима эди? Шамолми? (у ёқ, бу ёққа қарайди) Буни қаранглар, шамол сизларга кўрсатиш учун тайёрлаб қўйган ноталаримни учуриб кетибдику! Ўрнига мана бу хатни ташлаб кетибди. Ўқиб кўрайликчи. (ўқийди) «Ўқурматли, болалар! Мен барча ноталарни ҳар томонга учуриб юбордим. Сизлар қувноқ саёҳатга отланинг ва уларни топинг. Сизларга омад тилайман». Шамолни шўхлиги тутиб, биз билан ўйнагиси келибдида. Хўш, болалар, қувноқ саёҳатга чиқамизми? (жавоблар). Йўлимиз узоқ ва машаққатли. Йўлга чиқишдан олдин бироз машқ қилиб олишимиз керак.

Мусиқий ритмик ҳаракатлар

Аэробика

Мусиқа раҳбари: Ланди-ланди

Ўйинимиз бошланди!

Болажоним тайёр бўл,

Бизни кутар узоқ йўл!

(болалар доира бўйлаб марш куйига мос кадам ташлаб юрадилар). Манзилга тезроқ етиб олишимиз учун оёқ учида енгил югурамиз (мусиқага мос югурадилар. Уларга кампир пешвоз чиқади).

Тарбиячи: Ассалому алайкум, бувижон. (саломлашадилар) Биз болалар билан шамол учириб юборган ноталарни қидириб юрибмиз. Бизга ёрдам бера олмайсизми?

Буви: Ха ,болажонларим, албатта ёрдам бераман. Менинг қўлимга энг биринчи нота келиб тушди. Унинг номини айтиб берингчи. (жавоб: до) Тўғри, бу -до нотаси. Бироқ уни сизга беришимдан аввал, мана бу конвертда ёзилган шартни бажаришингиз керак.(конвертни узатади. Унда машғулотлар давомида тингланган мусикий асарлар асосида «Қуйидан топ» ўйинини ўтказиш шarti берилган)

Ўйин «Қуйидан топ»

Тарбиячи: Бувижон, сизга катта раҳмат. Истасангиз биз билан бирга саёҳатни давом эттиришингиз мумкин. (буви рози бўлади). Ўўлимизнинг кейинги қисмини поездда давом эттирамыз.

Имитация «Поезд»

(ўўлдан Сувой чиқади)

Тарбиячи: салом сенга, Сувой! Биз қувноқ ноталарни қидираяпмиз. Бизга ёрдам бера олмайсанми?

Сувой: Албатта! Бироқ олдин болаларга саволим бор. Менинг қўлимда иккинчи нота бор. Эслаб кўринг, у қандай номаланади? (жавоб: ре). Тўғри бу-ре нотаси. Энда мана бу конвертдаги шартни бажаришингиз керак бўлади.

Тарбиячи: (ўқийди) Сув она табиатда,
Тинимсиз ҳаракатда
Айланиб ҳеч чарчамас
Ғайрати ҳам тугамас.
Баъзан ёмғир, муз ва қор,
Эриса бўлади пар.
Тинмай сайр қилади,
Бизни ўраб туради.
Ўйин «Қуёш ва булут»
(болалар ре нотасини олиб ўўлларида давом этадилар)

М.Р.: ўўлимизни от миниб давом эттирамыз.

Имитация «Отда юриш»

(ўўлдан айиқ чиқади)

Айиқ: Эслаб кўринг, болалар, учинчи нота қандай номланар?
(болалар бараварига «Ми» деб жавоб берадилар) Шартимни бажарсангиз, сизга ми нотасини бераман.

Тарбиячи: (ўқийди) Ўўлда давом этмайсиз, токи қўшиқ айтмайсиз.
(Болалар ихтиёрига кўра, машғулотларда ўрганилган бирор қўшиқ ижро этилади, сўнг ўўлда давом этади)

Имитация «Самолёт»

(уларнинг ёнида Ялмоғиз супурги миниб пайдо бўлади)

Ялмоғиз: Вой, мана бу болаларни кўринг! Роса коним очиб турувди. Уларни тушликка еб қўйсаммикин?

Тарбиячи: Ўўқ-ўўқ, бувижон. Бу болаларни асло еб бўлмайди. Ундан кўра шамол учириб юборган ноталарни топишга ёрдам беринг.

Ялмоғиз: Супургимда учиб юрганимда иккита нотани ҳавода илиб олдим. (болалар ноталарнинг номалрини айтадилар) Бироқ, мен айтган топишмоқларни топмагунингизча мендан ноталарни ололмайсиз.

Таълимий ўйин «Қайси чолғу чалаяпти?»
(фа ва соль ноталарини олиб, болалар ўўлда давом этадилар)

Имитация «Сузиш»

(ўўлдан Шумбола чиқади, Ундан ля нотасини олиш учун рақс ижро этилади)

Рақс

Тарбиячи: Энди саёхатимизни охирги нотани топиш учун давом эттирамиз. Йўлимизни пиёда юриб ўтамиз. (йўлдан Буратино чиқади)

Буратино: (ғамгин ва маъюс) Салом, болалар.

Тарбиячи: Буратино, нега бунчалик ҳафасан?

Буратино: Асти сўраманг. Бешта тилла тангамдан биттаси қолди. Қолганларини олдириб қўйдим.

Тарбиячи: Болалар, Буратино нечта тангани олдириб қўйибди? (жавоблар) Қўлингдаги нимади?

Буратино: Буни йўлда топиб олдим, уни нима қилишни билмаяпман.

Тарбиячи: Қани кўрайликчи, ичида нималар бор экан. (тарбиячи Буратинонинг қўлидаги халтани олиб, ичидагини ерга тўқади. Ундан турли целофан халталар, калитлар, баклажклар ва ҳ.к.лар тўкилади). Бу ташландиқ нарсаларку!

Буратино: Ташландиқ дегани нима ?

Тарбиячи: Болалар, Буратинога тушунтириб беринглар (тушунтирадилар) Биласанми, Буратино, болаларимиз машғулотлар давомида бундай нарсалардан қандай фойдаланишни биладилар.

Буратино: Мана бу конвертни олинглар, Унда сизларга керакли нота бор. (си нотасини узатади)

Ясама чолғулар оркестри

Тарбиячи: мана барча ноталарни топдик. Энди боғчамизга қайтсак ҳам бўлади.

Имитация «Автомобил»

Саёхатимиз сизларга ёқдими? (жавоб) Олиб келган ноталаримизни беш чизикқа жойлаб қўямиз. Энди мана бу расмларга қараб, уларнинг номидан бизга таниш ноталарни топамиз. (дори, редиска, мих, фартук ва ҳ.к.)

Дўст бўламиз ноталар билан,
Биз бўламиз ноталар билан.
Қўшиқ айтиб, рақсга тушиб,
Ўйнаб куламиз ноталар билан.

(Залга кувноқ мусика остида Буратино рангли шарлар билан кириб келади ва болаларга таркатади)

Мусика раҳбари: Болалар, қаранглар шарлар ҳам худди ноталаримиз каби рангли экан. Ҳар бирингиз ўзингизнинг шарингиз қайси нота билан бир ҳил эканини кўриб олинг. Келаси машғулотимизда ана шу нота ҳақида гапириб берасиз. Ҳозирча эса хайр!

(мусика остида залдан чиқади)

Сайр

1. Боғбон меҳнатини кузатиш

Мақсад: боғбоннинг боғдаги меҳнатлари мазмуни билан таништириш. Боғдаги ширин-шакар маҳсулотлар боғбонларнинг меҳнати туфайли эканлиги ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш.

2. Кам ҳаракатли ўйин “Овозидан таниб ол”

3. Ихтиёрий ўйин.

4. Майдончада меҳнат уюштириш

5. Тинч ўйин “Учади, учмайди”

Куннинг 2-ярми

1. Якка тартибда ишлаш (тўғарак ишлари)

2. Ифодали ўқиш ва суҳбат. (“Эртақлар оламига саёхат” Болалар истакларига кўра эртақлар ўқиб бериш)

3 “Эслаб қолинг ва айтиб беринг” сўз ўйини

Тарбиячи болалардан қофиядош сўзларни такрорлашни сўрайди. Болалар сўзларни эслаб қолиб айтиб беришлари керак.

Қор-тор, қўй-сўй, кош-тош, қайиқ- айиқ, ўроқ- сўроқ, қоя- соя.

Кечки сайр

1. Ихтиёрий кузатиш

2. Ихтиёрий ўйинлар.

3. Ота-оналар билан ишлаш

